

“Тасдиқлайман”

Тошкент фармацевтика институти

Ректор _____ А.Н.Юнусхўжаев

« _____ » _____ 2016 й.

**Тошкент фармацевтика институти ходим ва талабаларининг тиббий
деонтологияси ва маданияти тўғрисидаги
Низоми**

АСОСИЙ ҚИСМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низомнинг мақсади - Тошкент фармацевтика институти учун тартибли кийиниш меъёрларини белгилаш, шунингдек, деонтологик нуқтаи назардан соғлом маънавий, ижтимоий-психологик муҳит барқарорлигини таъминлаш, касбга нисбатан ва ўзаро ҳурмат муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат.

1.2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисидаги қонун”, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда Тиббиёт таълими муассасаларида амалдаги “Одоб-ахлоқ қоидалари”га мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Ушбу Низом талаблари институт профессор-ўқитувчилари, ходимлари (бўлим бошлиқлари, кабинет мудирлари, техник ходимлар, котибалар, лаборантлар) ҳамда талабалар учун мажбурий ҳисобланади.

1.4. Низомда кўрсатилагн “қоидалар” институт ички меъёрий ҳужжатларига киритилиши шарт.

**II. Институт ходим ва талабаларининг муомаласи ва кийинишига
қўйиладиган ТАЛАБЛАР**

2.1. Дунё миқёсида қабул қилинган хизмат протоколи қоидаларига мувофиқ жиддий, ишчан ва дидли, зиёли шахс қиёфасини шакллантириш мақсадида корпоратив кийиниш услуги талабаларига амал қилинади.

2.2. Институт раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар касбига мос ҳолда кийинишлари талаб этилади. Профессор-ўқитувчилар ўзини тутиш санъати ҳамда мулоқот маданияти ва касбдошлар билан мулоқотда ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари шарт. Бунда ўқитувчи ва мураббийлар талабаларга ибрат намунасини кўрсатишлари шарт.

Институт меҳнат жамоаси институтга одамлар диққатини тортадиган, танани шаффоф кўрсатиб турадиган, шунингдек, тиззадан юқори қисмлари очик қоладиган ҳамда ҳаддан зиёд тор кийимда ёки эътироф этилган миллий-анъанавий шаклларга зид кийимларда, ғайриоддий соч турмаклари, ортиқча бўянган, паст савияли “оммавий маданият” белгиларини ўзида намойиш этган ҳолда, спорт кийими ва пойабзалида келиш тақиқланади.

2.3. Институтга ораста бўлиб, унга монанд кийимда келиш талаб этилади.

Танага бодиард услубида турли суръатлар чиздириш, татуаж ва пирсинглар тушириш одоб-ахлоқ қоидаларига зид ҳисобланади ҳамда бундай ҳолда институтга келиш тақиқланади.

III. Институт ходим ва талабаларининг муомаласи, кийиниш ҚОИДАЛАРИ

3.1. Институтда фаолият кўрсатаётган аёллар ва таълим олаётган талаба-қизларга қўйиладиган талаблар:

3.1.1. Ходимлар ўзини тутиши санъати ҳамда мулоқот маданиятида касбдошлар ўртасида ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари керак.

3.1.2. Устки кийимнинг турлари – бичими ортиқча безаклардан ҳоли, классик шаклдаги костюм, юбка, блузка ва кўйлақдан иборат бўлиши керак.

3.1.3. Костюм, юбка ва кўйлақлар қора, кулранг, кўк ранглардаги сидирға ёки чизикли классик матолардан, блузка эса оқ рангда бўлиши лозим. Юбканинг узунлиги тиззадан юқори бўлмаслиги керак.

3.1.4. Аксессуарлар (сумка, кўзойнак ва безаклар) ҳам корпоратив услубга мос ҳолда танланиши, ортиқча безаклардан ҳоли бўлиши, заргарлик тақинчоқлари (зирақ, узук, мунчоқ ва бошқалар) кўзга яққол ташланмайдиган, нозик, нафис ва сипо шаклда дид билан тақилиши лозим.

3.1.5. Сочлар ораста йиғилган, ўрилган ёки турмакланган, ортиқча аксессуарлардан ҳоли бўлиши керак.

3.1.6. Оқ халат ва шунга монанд бош кийим тоза, текис, тиззадан пастда туриши, енги узун (фаслга қараб), классик услубда, **чет эл ва турли хил фирма ёрлиқларидан ҳоли** бўлиши лозим.

3.2. Институтда фаолият кўрсатаётган эркеклар ва таълим олаётган талаба-йигитларга қўйиладиган талаблар:

3.2.1. Ходимлар ўзини тутиши санъати ҳамда мулоқот маданиятида касбдошлар ўртасида ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари керак.

3.2.2. Устки кийимнинг турлари – бичими классик шаклдаги костюм, шим, кўйлақ ҳамда галстукдан иборат бўлиши керак.

3.2.3. Костюм ва шимлар қора, кулранг, кўк ранглардаги сидирға ёки чизикли матолардан, кўйлақлар эса очик рангларда (оқ, кулранг, кўк) бўлиши лозим.

3.2.4. Галстукнинг кенлиги ўртача, узунлиги камаргача бўлиб, ранги костюм ва кўйлақка мос танланиши керак.

3.2.5. Талаба-йигитлар талабага мос, ручка, қалам, китоб, дафтарлар солиб юриш мумкин бўлган, ранги устки кийимга ярашимли қора, кулранг, жигаррангдаги сумка-портфеллар тутишлари лозим.

3.2.6. Оқ халат ва шунга монанд бош кийим тоза, текис, тиззадан пастда туриши, енги узун (фаслга қараб), классик услубда, **чет эл ва турли хил фирма ёрлиқларидан ҳоли** бўлиши лозим.

IV. Институт ходим ва талабаларининг кийинишида ман қилинадиган ҳолатлар

4.1. Аёл-ходим ва талаба-қизлар учун:

4.1.1. Узунлиги тиззадан калта бўлган, шаффоф ва ялтироқ матолардан тикилган, бичими тор, баданга ёпишиб турадиган, кўкрак, қорин, елка қисми очик блузка ва кўйлақлар кийиш;

4.1.2. Безак сифатида маънавий-ахлоқий тарбияга мос келмайдиган ёзувлар, турли реклама маълумотлари, давлат рамзлари, зўравонлик, фахш элементларини тарғиб қилувчи расмлар ва ёзувлар акс этган, русум сифатида “йиртилган”, “титилган” ва жинси матосидан тикилган кийимларда юриш;

4.1.3. Институт ҳудудида спорт кийимлари, калта шим ва кроссовкаларда юриш (жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан сўнг талабалар турар жойи биноси, спорт майдончалари ва ҳашарлардан ташқари);

4.1.4. Ҳижоб ва бошқа диний кийим-бошларда юриш;

4.1.5. Ўқув анжомларни рўзғор, бозор-ўчар учун мўлжалланган пакет-халталарда олиб юриш;

4.1.6. Қулоқ ва бармоқлардан ташқари тананинг турли қисмларига зирак ёки металл буюмлар тақиб юриш;

4.1.7. Оқ халат ва кийимларда **турли хил чет эл ва бошқа фирма ёрлиқлари** бўлиши тақиқланади.

4.2. Эркак-ходим ва талаба-йигитлар учун:

4.2.1. Бичими тор, баданга ёпишиб турадиган ҳамда маънавий-ахлоқий тарбияга мос келмайдиган ёзувлар, турли реклама маълумотлари, давлат рамзлари, зўравонлик, фахш элементларини тарғиб қилувчи расмлар ва ёзувлар акс этган, русум сифатида “йиртилган”, “титилган” ва жинси матосидан тикилган кийимларда юриш;

4.2.2. Институт ҳудудида спорт кийимлари, калта шим ва кроссовкаларда юриш (жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан сўнг талабалар турар жойи биноси, спорт майдончалари ва ҳашарлардан ташқари);

4.2.3. Ўқув анжомларни рўзғор, бозор-ўчар учун мўлжалланган пакет-халталарда олиб юриш;

4.2.4. Соч-соқолларни ўстириб юриш;

4.2.5. Бўйин тақинчоқлари ёки турли металл буюмларини тақиш ёки осиб юриш;

4.2.6. Оқ халат ва кийимларда **турли хил чет эл ва бошқа фирма ёрлиқлари** бўлиши тақиқланади.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 20 январдаги 34-сонли буйруғи.